17.12.2025 йил

Мавзу: “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг 11 ойи давомида аграр соҳани лизинг асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ассалому алайкум, ҳурматли матбуот анжумани иштирокчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий ва юқори унумли техникалар билан таъминлаш вазифаси “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти фаолиятининг асосини ташкил этади.

Жамиятимиз бу борада ўз йўналиши бўйича дунёда етакчи ўринларни эгалловчи бир қатор қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилари билан узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хусусан, **“Ўзагролизинг” АЖ** ташкил этилганидан буён ўтган **26** йил давомида жамиятимиз томонидан қарийб **100** мингдан зиёд **9** трлн сўмдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилган бўлиб, аграр соҳани замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш орқали механизация даражасини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

"Ўзагролизинг" акциядорлик жамиятининг лизинг портфели **2025 йил 1 декабрь** ҳолатига **6 741 млрд.** сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 198 фоизга ўсган (01.12.2024 йил 3 399,0 млрд. сўм) сўмни ташкил этди.

Муҳтарам Президентимизнинг алоҳида эътиборлари туфайли жорий йилда Жамият устав капитали **1 016 млрд. сўмга етказилди.** Бу эса хорижий молия бозорларидан тўғридан-тўғри маблағларни жалб этиш ҳамда Жамият фаолиятини янги босқичга кўтариш имконини берди (устав капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 260 фоизга ўсган (01.12.2024 йил 391,4 млрд. сўм)).

"Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан **2025 йил 1 декабрь ҳолатига** барча манбалар ҳисобидан **941,0 млрд** лизинг тўловлари ундирилди, **(01.12.24 йил 636,2 млрд. сўм)**.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 20 февралдаги ПҚ–78-сон қарори қабул қилиниши натижасида, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, техникаларни ҳудудларга ўз вақтида етказиб бериш, корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Техникаларни етказиб бериш.

2025 йилнинг ўтган 11 ойи давомида Жамиятнинг ҳудудий филиаллари орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига **5 184 дона** турли русумдаги техникалар, умумий қиймати **4 362,0 млрд. сўм** миқдорида лизинг асосида етказиб берилди. Етказиб берилган техникаларнинг асосий қисмини пахта териш машиналари ташкил этиб, 2025 йилда **957 дона** пахта териш машинаси топширилди ва уларнинг умумий қиймати **3 341,0 млрд. сўмдан** ошди.

Жумладан асосий турдаги техникалар кесимида.

589 дона тракторлар;

112 дона ғалла ўриш комбайнлари;

963 дона пахта териш машиналари;

50 дона лазерли ер текислагичлар;

906 дона экиш сеялкалари;

5 184 дона бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида республика қишлоқ хўжалигига етказиб берилди. Натижада жорий йилнинг 11 ойи давомида лизингга берилган техникалар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **178 фоизга ошди**.

2025 йил 1 декабрь ҳолатига қишлоқ хўжалиги техникалари хариди учун **181,9 млн. доллар** ўзлаштирилди:

– 157,2 млн. доллар – Жаҳон банки маблағлари;

– 20,0 млн. доллар – Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги маблағлари;

– 4,7 млн. доллар – Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари.

Бундан ташқари, лизинг лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банкидан **9,0 млрд. сўм** кредит жалб қилинди.

Бунда, “Ўзагролизинг” АЖнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларда иштироки ва маблағларни ўзлаштиришдаги фаоллиги Халқаро молия институтлари томонидан юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, "Ўзагролизинг" АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар филиалларининг ходимлари томонидан, ҳар йили камида 2 маротаба амалда мавжуд бўлган барча русумдаги техникалар тўлиқ техник мониторинг кўригидан ўтказилади ва барча техникаларга Лизинг объектини мониторинг кўригидан ўтказиш далолатномалари расмийлаштирилади ва техникаларнинг талаб даражасидаги фоторасмлари фотоальбом жамланмаси тайёрланади. "Ўзагролизинг" АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳудудий филиаллари орқали лизингга расмийлаштириб берилган жами 16 287 дона қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари 2025 йил 1 ярим йиллик ҳолатида тўлиқ мониторинг назоратидан ўтказилди. Жумладан, ҳайдов тракторлари 2507 дона, чопиқ ва транспорт тракторлари 2908 дона, боғдорчилик

тракторлари 383 дона, ғалла ўриш комбайнлари 1 078 дона, пахта териш машиналари 663 дона, омочлар 528 дона, лазерли ер текислагичлар 167 дона, пуркагичлар 2267 дона, бороналар 1938 дона, минерал ўғит сепгичлар 1 080 дона, чигит ва дон экиш сеялкалари 1 274 дона, культиваторлар 615 дона, озуқа ўриш машиналари 127 дона, хашакни тойлаб зичлагичлар 127 дона, трактор тиркамалари 418 дона, эксковатор юклагичлар 25 дона, мототележкалар 80 дона ва бошқа механизмлар 206 донадан иборат.

Шунингдек, мамлакатимизда пахта терими жараёнини тўлиқ механизациялаш, терим сифатини ошириш ҳамда соҳага малакали кадрларни жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий аграр технологияларни жорий этиш шароитида механизаторларнинг билим ва кўникмаларини янгилаш ва амалий тайёргарлигини кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 2025 йил 15 октабрдаги қўшма қарорига мувофиқ, “Ўзагролизинг” АЖ ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда пахта териш машиналари механизаторларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича замонавий назарий-амалий ўқув курслари йўлга қўйилди.

<u>2026 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар.</u>

Хитой Эксимбанкидан пахта териш машиналарини молиялаштириш учун 40 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ жалб қилинмоқда. Шунингдек, келгуси йилда ҳорижий молия институтларидан камида 200 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш юзасидан ишлар бошлаб юборилган.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-431-сонли қарори ҳамда “Томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими”ни жорий этиш юзасидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий технологияларни кенг жорий қилиш ва натижада мамлакатимиз аграр соҳасининг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ташкил

этилаётган бундай амалий семинарлар республикамизнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ўтказилмоқда.

Ҳурматли матбуот анжумани иштирокчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Фаолиятимиз юзасидан қисқача маълумотлар шулардан иборат. Сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга ва таклифларингизни тинглашга тайёрмиз. **ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**